36 (586)

2007 йил 5 сентябрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Янги ғоянг борми? Танловга марҳамат!

▶ «Маҳалла» — меҳрибонимиз!

3 ▶ Фикр қил-у шукр қил!

▶ Қаллоб ароқфурушлар қилмиши

4 ▶ Фориш Парижга яқинми?

▶ Реклама «саргузашт»лари

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ УЛУҒВОР РАМЗИ

Бундан 16 йил муқаддам — 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонига "Мустақиллик майдони" номи берилган эди.

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, азим пойтахтимизнинг янада яшариб-яшнаб бораётгани, унда амалга оширилаётган ишларнинг суръати ва кўлами кишини ҳайратга солади. Тошкент шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.

Мустақиллик майдони Ватанимизнинг юрагидир. Юртдошларимизнинг, мамлакатимиз меҳмонларининг бу муқаддас гўшани зиёрат қилишида катта маъно бор. Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу муаззам майдон тимсолида ҳам юракдан ҳис этамиз.

Тарихдан яхши маълумки, давлатчилик рамзи сифатида кўплаб мамлакатлар пойтахтлари марказида бош майдонлар барпо этилган. Мустақиллик майдони янги тарихимизга дахлдордир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита иштирокида қайтадан яратилган Мустақиллик майдони, дастлаб тоталитар тузум асоратларидан бутунлай тозаланиб, "доҳий" ҳайкали ўрнида Ер шари тасвири ва унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олдики, у Мустақиллик монументи дея аталди. Бу дунёда Ўзбекистон деган янги давлат пайдо бўлганининг, унинг ўз танлаган йўли борлигининг ифодаси эди.

Майдонга туташ ҳудудда жойлашган "Технолог" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси майдон қиёфасига салбий таъсир кўрсатиб келарди. Айниқса, Сенат биноси қуриб битказилиб, илгари ёзнинг жазирамасида оловдек қизиб ётган асфальт ва бетон қопланган бефайз майдон ўрнида салқин фавворалар, кўркам дарахтлар, ям-яшил майсалар ва гуллардан иборат сўлим боғ пайдо бўлгач, бу корхонанинг майдон ҳуснига доғ туширгани ҳеч ким намоён бўлди. Шу боис бу ердаги қатор саноат корхоналари бошқа жойга кўчирилди. Шу биргина ўзгариш туфайли серқатнов йўл кенгайиб, атроф кўркамлашди, кишининг бахри-дилини очадиган баҳаво гўша пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенат биноси ҳам Мустақиллик майдонида қад ростлади. Мазкур улуғвор кошона бош майдоннинг умумий манзарасига уйғунлашди. Бинога кираверишда ўрнатилган маҳобатли тўрт устун, уларнинг тепасида қурилган уч гумбаз асрий анъаналаримиз бардавомлигининг ифодасидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, мазкур кошона ўзининг улуғворлиги билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятининг яна бир ифодаси сифатида халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади.

Мустақиллик майдонида барпо этилган иншоотлардан яна бири, бу — Эзгулик аркасидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари — мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари тимсолидир. Эзгулик аркаси — узунлиги 150 метр, икки томони ўн, ўрта пештоқи ўн икки метр баландликка эга, қатор кетган ўн олтита оқ мармар устунлардан иборат муаззам меъморий мўъжизадир. Эзгулик аркаси ватандошларимизнинг азиз ва муқаддас тимсолига айланди. Шу боис мазкур остонадан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлади.

2005 йилнинг декабрида Президентимиз Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди. Бахтиёр она ҳайкалининг ўрнатилиши майдон меъморий ечимидаги ўзига хос ютуқ бўлди. Бу бадиий мажмуа эл-юрт шаён-шавкати, ғурур-ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсолларидан бирига айланди.

Она сайёра ва Бахтиёр Она! Ушбу рамзларда нақадар теран маъно мужассам. Зеро, уларнинг ҳар иккиси ҳам тириклик ва абадият тимсолидирки, биз, инсон фарзандлари Она бағрида туғилиб, ўсиб-улғайиб, кейин она сайёра фарзандларига айланамиз. Оналарнинг энг улуғ нияти нима? Она заминимиз тинч бўлса, фарзандлар соғ-саломат улғайса. Она учун бундан ортиқ бахт борми! Бахтиёр она юз-кўзларида шундай тилак ва ниятлар балқиб турибди.

Юртбошимизнинг таклифига биноан, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном берилди. Зеро, мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Мазкур икки қадрият замирида халқимизнинг асрий орзу-ниятлари мужассам. Бугун янги оила қураётган йигит ва қизлар майдондаги Эзгулик аркаси остонасидан ўтиб, икки ёни қизил маъдантош кошиндан, ўртаси оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлакдан юриб, мазкур монумент пойига гул қўйиши урфга айланди. Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомилга кирди.

Мустақиллик майдонининг яхлит меъморий ансамблини тўлдириб турган 14 қаватли кўркам маъмурий бино ҳамда унинг ёнида қад ростлаган 7 қаватли иморат бирбирига уйғун ҳолда ягона мажмуани ташкил қилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бундай мажмуалар мустақиллигимизнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан, эл-юртимиз фаровонлиги юксалаётганидан яна бир далолатдир.

Маъмурий бинонинг икки тарафидаги эски фавворалар тубдан реконструкция қилиниб, янгилари қурилди. Майдонга ўзгача файз бағишловчи фавворалар мажмуи юзага келди.

Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида бош майдонга туташ ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг яна бири — Навоий кон-металлургия комбинатининг бизнес марказидир. Мустақиллик майдонига ёндош чорраҳада қад ростлаган ушбу марказ ўзининг бетакрор қиёфаси билан бош майдонимизнинг умумий манзарасини тўлдириб, ҳуснигаҳусн қўшди.

Мустақиллик майдонидан зиёратчилар қадами узилмайди. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар — турли касбдаги, турли соҳадаги одамларни учратиш мумкин.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ушбу муаззам майдон ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, — дейди Тошкент маданият институтининг доценти Саъдулла Шодиев. — Бундай улкан бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда ушбу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгарди, балки у бутунлай янгича маъно-мазмун касб этди. Шу боис Мустақиллик майдонидан одамларнинг қадами узилмайди. Майдоннинг Ватанимиз, халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ёш авлодга чуқур ва мукаммал тушунтириш баркамол авлод тарбиясида ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

— Мустақиллик майдонининг таровати, бу ердаги иншоотларнинг улуғворлиги кўнглимга фахр ва чексиз ҳаяжон бахш этди, — дейди Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талабаси Ҳабиб Пардаев. — Бундай обод ва кўркам масканлар биз, ёшларни Истиқлолимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англашга, ўзимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, комил фарзандлар бўлиб етишишга ундайди.

Мамлакатимизга, унинг бугунги ва эртанги тараққиётига айнан Мустақиллик майдонидан туриб назар ташланади. Шу боис Ватанимизнинг, халқимизнинг келажаги ҳам ана шу муқаддас майдон каби улуғвор ва буюк бўлгай!

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?

— Мустақил мамлакатимиз сифатли ва рақобатбардош пахта етиштиришдан ташқари, оқолтинимизни дунёга сотиш бўйича ҳам биринчилардан экан.

ПАХТА ЯРМАРКАСИ: МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 17-19 сентябрь кунлари Тошкентда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва унинг арафасида IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва "Cotton Outlook" журнали кўмагида ташкил этиладиган ушбу тадбирларда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан соҳага ихтисослашган компанияларнинг юзлаб вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг анъанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, шу жумладан пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришларнинг натижасидир. Ярмарка биринчи марта 2005 йилда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизда пахтани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган эди. Ўтган йиллар мобайнида унда иштирок этаётган хорижий ишбилармон доиралар вакилларининг сони муттасил ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридаги нуфузи янада ошаётганлигининг яққол далилидир.

Масалан, 2005 йилнинг кузида ўтган Тошкент ярмаркасига 30 мамлакатдан пахта савдоси билан шуғулланадиган 169 вакил келган бўлса, 2006 йили унга 36 давлатдан 250 дан ортиқ вакил ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, бу борада мамлакатимиз корхоналари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган фирма ва компаниялар орасида Жануби-Шарқий Осиё компаниялари кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу минтақа жаҳон тўқимачилик саноатининг марказига айланиб бормоқда.

Таъкидламоқ лозимки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Ўзбекистон дунёда пахта экспорти бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Тошкентда ўтажак ушбу халқаро тадбирлар эса ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига янада жадал кириб бориши ва келажакда барқарор иқтисодий алоқалар ўрнатилиши учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар қандай маҳсулот аввало рақобатбардош бўлиши керак. Сўнгги йилларда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси ҳам тоифаси, ҳам микронейри бўйича энг сифатли деб эътироф этилаётгани ва шу боис, айниқса, юксак қадрланиши — Президентимиз Ислом Каримовнинг пахтачиликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ижросининг амалдаги самараларидандир. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва пахтамизининг халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Изчиллик билан амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мамлакатимизнинг экспорт бозори географияси янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, Эрон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Вьетнам сингари кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Мазкур минтақадан ярмаркада қатнашаётган трейдерлар сонининг ошаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Халқаро экспертлар фикрича, анъанавий ярмаркани ўтказиш учун йилнинг энг қулай, яъни пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайти танланган. Унда бевосита иштирок этиш хорижлик ишбилармонларга ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни кенг йўлга қўйиш ва янада мустаҳкамлаш имконини беради. Бундай ҳамкорлик эса юксак самаралар бериши табиий.

(ЎзА)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари орқали ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллайман.

АЛЬБЕРТ,
Бельгияликлар Қироли.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Тунис ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан муборакбод этиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва дўст ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг давом этишига умид билдираман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига энг қизғин қутловларимни йўллайман.

Мамнуният ила шуни эътироф этишим керакки, Ўзбекистон давлати Сизнинг раҳбарлигингизда барқарор сиёсатга, ривожланган иқтисодиётга эга бўлиб, халқининг фаровонлиги тобора ошмоқда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлари кенгайиб бормоқда. Ўтган вақт ичида мамлакатларимиз ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтирдилар. Умид қиламанки, истиқболда мамлакатларимиз ҳар томонлама муносабатларни халқларимиз манфаатлари йўлида янада мустаҳкамлайдилар.

Президент Жаноблари, менинг Вьетнам Социалистик Республикаси Президентлигига қайта сайланганим муносабати билан йўллаган табригингиз учун Сиздан беҳад миннатдорман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон давлатига фаровонлик, Ўзбекистон халқига бахт-саодат тилайман. Жаноб Президент, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ҳамда ғоят юксак ва масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Нгуен Минь ЧИЕТ,
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан Сизга, мамлакатингиз ҳукумати ва халқига ғоят самимий қутловларимни йўллайман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўзаро манфаатларимизга мувофиқ янада ривожланиб боради.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, Жаноб Президент, мамлакатингиз тараққиёти ва равнақи йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда чин қалбдан янада улкан муваффақиятлар тилайман.

Ким Ен НАМ,
Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиуми Раиси.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва унинг биродар халқига ғоят самимий қутловларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллашдан бахтиёрман.

Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукуматининг Ислом конференцияси ташкилоти мақсадларини амалга оширишда уни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлаймиз.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийлари раҳбарлигингизда биродар Ўзбекистон халқига бардавом тараққиёт ва равнақ ҳамда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат ато этишини тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конфереционияси ташкилоти Бош котиби.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Дўст мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Буюк Ливия Араб Социалистик Халқ Жамоҳирияси халқи номидан Сизга самимий қутловларим ва мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон Республикаси халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Полковник Муаммар ҚАЗЗОФИЙ,
Ливия раҳбари.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан Сизга Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ҳукумати ва халқи номидан самимий қутловларни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига бардавом равнақ ва фаровонлик тилайман.

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Ҳошимийлар Подшоҳи.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Бор бўлсин ҳомийлар

Тошкент шаҳри

МУРУВВАТ уйида МУРУВВАТ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутасаддилари истиқлолимизнинг 16 йиллиги муносабати билан яна бир эзгу юмушга қўл урдилар.

Аниқроғи, байрам арафасида Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли 1 ва 2-сон болалар Мурувват уйлари тарбияланувчилари ҳамда эркаклар Мурувват уйига жамғарма бошқаруви томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

— Масканимизда тарбияланаётган болажонларимиз учун ҳомийлар ҳадя этган совғалардан ҳам кўра, уларнинг меҳр билан йўқлаб келишгани муҳим, — дейди 1-сон болалар Мурувват уйи директори Татяна Саидова. — Мана, ўзингиз ҳам кўрдингиз, тарбияланувчиларимиз саховатпешаларни худди ўз яқинларидек, қувонч билан қарши олишяпти.

Шунингдек, жамғарма ходимлари 2-сон болалар ва эркаклар Мурувват уйларида ҳам бўлиб, бошқарувнинг ҳомийлик совғаларини топширишди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Бухоро вилояти

ТЎЙ ТЎЙЛАРГА УЛАНДИ

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги муносабати билан вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида "Маҳалла тўйлари" тадбирлари бўлиб ўтди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад эҳтиёжманд оилалар, яккаёлғиз қарияларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Айни кунгача ушбу тадбир доирасида 30 нафарга яқин ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Суннат тўйи нишонланган болакайларнинг сони эса 50 нафарга яқин.

Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро шаҳридаги Жубор маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Маҳалланинг тажрибали раисаси Гулсум Мўминова тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтишига бош-қош бўлди. Бу хайрли тадбирни ташкил қилишда раисага Барно ва Баҳром Шариповлар, Махтоб Одилова, Неъматжон Имомов каби тадбиркорлар ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Автомобил ва йўллар коллежи раҳбарияти ҳомийлик ёрдамини кўрсатишди.

Шаҳар марказидаги "Ал-Азиз" тўйхонасида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Ражаб Тўхтаев ва Раъно Раҳмонованинг никоҳ ҳамда Рўзимурод Раҳмоновнинг суннат тўйлари нишонланди.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Қорақалпоғистон Республикаси

Юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигини Қўнғирот туманидаги "Урганчтрансгаз" шўъба корхонасига қарашли "Қўнғироттехникавий сув билан таъминлаш" бошқармаси ходимлари ҳам хайрли ишлар билан қарши олишди.

ҚЎНҒИРОТДА САХОВАТ

Гап шундаки, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан бошқарма томонидан меҳнат фахрийлари ва тумандаги кам таъминланган оилаларга ташкилотнинг ёрдамчи хўжалиги ҳисобидан 64 бош қорамол тарқатилди. Саховатдан баҳраманд бўлганлар ушбу ҳадяларни Истиқлол байрами туҳфаси сифатида қабул қилдилар.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Юртимиз чиройи

Самарқанд вилояти

САМАРҚАНДга САЙҚАЛ БЕРГАН БИНОЛАР

қўшалоқ шодиёналар муносабати билан уларнинг сони янада кўпайди

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд кундан кун чирой очиб бормоқда. Айниқса, истиқлолимизнинг 16 йиллиги шодиёналари, "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг ўтказилгани муносабати билан ҳамда шаҳарнинг 2750 йиллиги арафасида Самарқанд қиёфаси бемисл даражада гўзаллашди.

Шаҳардаги дунёга машҳур қадимий обидаларни асраш, таъмирлаш ишларига давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралаётганининг тасдиғи сифатида биргина Шоҳи Зинда мажмуасидаги мақбаралар таъмири учун 2 млрд. 800 млн. сўмга яқин маблағ ажратилганини эслаш кифоя. Регистон майдонидаги меъморий обидалар мажмуаси, Гўри Амир ва Оқсарой мақбаралари, Бибихоним Жомеъ масжиди ва мақбараси, Ҳазрати Хизр масжиди, Хўжа Дониёр мақбараси, Хўжа Аҳрори Валий меъморий мажмуаси, Хўжа Бўрон ва Хўжа Дорун обидалари ҳам тубдан қайта таъмирланди.

Вилоятда йўл қурилиши ва таъмирига ҳам катта эътибор берилмоқда. Сўнгги икки йил давомида бу соҳадаги бунёдкорлик ишларига 58 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шаҳар атрофидан ўтувчи Тошкент—Бухоро ҳамда Тошкент—Қарши автомагистралларининг таъмирланиши, шаҳарнинг Рўдакий кўчасини Ибн Сино кўчасига, Садриддин Айний кўчасини Деволи кўндаланг кўчасига боғловчи ҳамда Шоҳи Зинда мажмуасини Тошкент—Бухоро автомагистрали билан туташтирувчи кенг ва равон янги йўллар қурилиши шулар жумласидандир.

Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Масалан, 60,8 км ҳажмда газ, 74,5 км ҳажмдаги тоза ичимлик сув тармоқларининг қурилиши, 29,9 км.га яқин қувурларнинг капитал таъмирланиши шаҳарда газ ва сув таъминотининг яхшиланишига сабаб бўлди.

Жаббор НАБИЕВ олган суратлар.

Жорий йилда 117 та мактаб, 14580 нафар ўқувчига мўлжалланган 25 та ҳамда 725 ўринли ётоқхонага эга бўлган 5 та касб-ҳунар коллежлари, 1170 ўқув ўринли 2 та академик лицей қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қисқа муддат ичида юзга яқин иншоот қуриб битказилди, шаҳарнинг асосий кўчаси бўйлаб 25 дан ортиқ хусусий меҳмонхона қад кўтарди. "Английский фуд" шўъба корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилаётган гипермаркетнинг кунига минглаб харидорга юқори сифатли савдо хизмати кўрсатиши ва шаҳар кўркига кўрк қўшиши кутилмоқда. Тойлоқ туманидаги "Баҳодир—А" хусусий қурилиш корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган "Бахт уйи"да янги оилалар никоҳи қайд этилади, шу билан бирга бу ерда гўзаллик салони, суратхона, бар ва кафе ҳам мижозларга хизмат кўрсатади. "Чинор" ШКТ МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилган замонавий Санъат коллежи эса 820 ўринли концерт зали, овоз ёзиш студияси, очиқ ва ёпиқ спорт майдончаларига эга.

Қисқа қилиб айтганда, бир-биридан кўркам ва муҳташам иншоотлар қадимий шаҳарга улуғ тантаналар олдидан муносиб тўёна бўлди.

Рустам ХАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Ислоҳот самараси

Ал-Бухорий номли фирма маҳсулотлари нафақат вилоят, балки бутун республикамиз аҳлига яхши таниш. Вилоятда қад ростлаган қатор касб-ҳунар коллежлари, Хонобод божхонаси, "УзКоджи" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси биноси ва бошқа кўплаб замонавий иншоотларнинг ёғочдан ишланган ўйма нақшли эшик-ромлари, қулай ва сифатли жиҳозлари ана шу фирма томонидан тайёрланган.

МИЖОЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

— Фирмани ташкил этишдан мақсадимиз фақат бозори чаққон маҳсулотлар ишлаб чиқариш эмас. Биз аввало халқ амалий санъати — миллий ҳунармандчилигимизни ривожлантиришга бел боғлаганмиз, — дейди фирма раҳбари Абдуҳалим Маматов. — Ҳозир корхонамизда ёнғоқ дарахтидан табиий тоза, мустаҳкам лаганлар ишлаб чиқарилянпти. Лаганларни "Юсуф ва Зулайхо" достони асосида ишланган миниатюралар, Камолиддин Беҳзод асарларидан намуналар, ҳамюртимиз, ҳассос шоира Нодирабегим суратлари билан безатамиз. Маҳсулотларимизни сотиш учун эса дунёнинг бир неча давлатларида ўзининг савдо расталариға эга бўлган "Мусаввир" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузганмиз.

Абдуҳалим Маматов тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун уч йил бурун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хонобод шаҳар бўлимидан 6 млн. сўм миқдорида муддатли кредит олган эди. Муваффақиятли тузилган бизнес-режа асосида фаолиятини ривожлантириб, ўн икки кишини доимий иш билан таъминлади.

— Ал-Бухорий номли фирма банкимизнинг интизомли мижозларидан. Уч йил муддатга олинган кредитни ўз вақтида фоизлари билан қайтариб, ишончимизни оқлади. Шу туфайли фирманинг илтимосига кўра, яна 10 млн. сўм миқдорида кредит ажратишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" Хонобод шаҳар бўлимининг бошқарувчиси Музаффар Абдураимов. — Узоқни кўзлаб иш юритаётган тадбиркорлардан яна бири Аъзамжон Жўрабоевдир. У ўтган йилнинг июнь ойида "Андижонкабель" акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари учун нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 4 млн. сўм кредит олган эди. Тадбиркор қисқа муддатда фаолиятини изга солиб олди, энди уни кенгайтирмоқчи. Келгусида фозилмон қишлоғи аҳолисини ўз маҳсулотлари билан таъминлашни ҳамда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ният қилган Аъзамжонга банк томонидан яна 6,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратиляпти.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Хонобод шаҳар бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида савдо, қишлоқ хўжалиги, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун жами 208 млн. сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилди. Банк мижозлари орасидаги 78 тадбиркорнинг 36 нафарини хотин-қизлар ташкил этиши эса янада қувонарлидир. Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилянпти. Шу пайтга қадар тўққизта ёш оилага 8 млн. сўмдан зиёд микрокредитлар ажратилди. Банк томонидан тадбиркорларга ажратилган кредитлар ҳисобига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 220 та янги иш ўрни яратилди. Бу шунча ишсиз фуқаронинг доимий иш билан таъминланиб, моддий аҳволи яхшиланмоқда, деганидир.

Шер АЛИ

Қашқадарё вилояти

ТАБАССУМда ТАНТАНА

Маҳалламизда мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрамига бағишлаб "Ватанни севмоқ имондандир" мавзусида маънавий-маърифий, бадиий-мусиқий тадбир ўтказдик. Унга 160 нафар маҳалламиз фахрийлари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила вакиллари таклиф қилиниб, байрам дастурхони ёзилди.

Дарвоқе, август ойининг ҳар якшанба кунлари маҳалламиз ҳудудида вилоятимиз деҳқонлари етиштирган полиз маҳсулотлари ва сабзавотлардан иборат "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси" ташкил этилган эди. Бундан маҳалладошларимиз жуда мамнун бўлишди, чунки бу ерга олиб келинган сифатли маҳсулотлар бозордагига нисбатан анча арзон нархларда сотилди. Қолаверса, Косон туманилик саховатпеша фермерлар хайрия тариқасида маҳалламиздаги кам таъминланган оилаларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашишди. Шунингдек, Табассумда тадбиркорлик ривожланиб, ҳомийлар сафи янада кенгайиб бормоқда. Жумладан, ҳудудимиздаги кам таъминланган оилаларга 10 бош қўй ҳомийлар томонидан тарқатилди.

Вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан маҳалламиз ҳудудида замонавий спорт зали қурилиб, улуғ байрамимиз арафасида ишга туширилиши ҳам маҳалладошлар қувончига қувонч қўшди. Айни пайтда маҳалламиз болалари мазкур замонавий кураш залида машғулотлар ўтказишяпти.

Х.АЗИЗОВ,
Қарши шаҳридаги Табассум маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Тизимимиз ҳамкорлари

Фарғона вилояти

БОЛАЛАР ОРОМ, КАТТАЛАР ОЛҚИШ ОЛДИ

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук тарбия топиши, камолга етиши учун етарли шарт-шароитларни яратиш истиқлол йилларида ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз эътиборидаги асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган тадбирлар самарасини бугунги кунда улғайиб келаётган ёшларимизнинг руҳий, жисмоний бақувватлиги, билим олиш, касб ўрганишга иштиёқи баландлиги, спортда, мусиқа ва тасвирий санъат соҳасида, аниқ фанлар ва компьютер билимдонлиги борасида эришаётган муваффақиятларида кўриш мумкин. Айни кунда ёшларимизни жамиятимизнинг илғор ва фидойи аъзолари сифатида тарбиялаш ишларида иштирок этаётган ҳар бир замондошимиз Ватанимиз истиқболи, келажаги учун ҳисса қўшаётгани билан фахрланишга ҳақлидир.

Бешариқ туманида жойлашган собиқ ширкат хўжаликлари тасарруфида бўлган "Шодлик" ва "Юлдуз" болалар оромгоҳлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ижроси йўлида ширкат хўжаликлари тугатилгач, деярли эгасиз қолди. Шундан сўнг оромгоҳлар туман ҳокимининг қарорига мувофиқ Бешариқ ижтимоий-иқтисодий коллежи тасарруфига ўтказилди. Коллеж маъмурияти томонидан оромгоҳлар фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш борасида чора-тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бу борада бизнинг энг яқин ҳамкоримиз бўлди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, ёз ойларида ушбу икки оромгоҳда туманимиз маҳаллаларидаги кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 800 нафар фарзанди ўз таътилларини мароқли ўтказишди. Улардан ташқари, Қўқон шаҳридаги 12-сонли ва 17-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг таътил дамлари "Шодлик" ва "Юлдуз" оромгоҳларида мазмунли ва қувноқ кечди. Ёзги таътил даврида оромгоҳларда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиш катта маблағ талаб этади. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими томонидан ажратилган 4 млн. 693 минг сўм маблағ ҳисобидан ҳар икки оромгоҳ замонавий спорт анжомлари, юмшоқ ва қаттиқ мебел жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Оромгоҳлараро спортнинг бир нечта тури бўйича беллашувлар ўтказиш ва ғолибларни тақдирлашда ҳам бўлимнинг кўмагига таянди. Кўп сонли ота-оналар, маҳаллалар мутасаддилари оромгоҳларимизда фарзандларининг дам олиб, янги ўқув йилига маънавий ва жисмоний куч йиғишига имкониятлар яратилгани учун миннатдорчилик изҳор этишди.

Келгусида ҳамкорликдаги хайрли тадбирларимиз кўлами янада кенгаяди, деб умид билдирамиз.

Барно АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Бешариқ ижтимоий-иқтисодий коллежи директори.

"Келажак овози — 2007"

30 МИНГ ИШТИРОКЧИ — ЯНГИ ҒОЯ!

Кўрик-танловда ҳар бир ёш ўз ғояси билан иштирок этмоқда

Мана, уч йилдирки мамлакатимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида иқтидорли ёшларни аниқлаб, муносиб рағбатлантириш ҳамда уларнинг иқтидор ва истеъдодини камол топтириш мақсадида "Келажак овози" республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этаётган мазкур кўрик-танлов ёшларимиз орасида йилдан йилга оммалашиб бормоқда. Жумладан, дастлабки йилда танловда 3187 нафар ёшлар иштирок этган бўлса, ўтган йили уларнинг сони уч баробарга кўпайгани сўзимиз тасдиғи.

Энг муҳими, танлов республикамизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олиб, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни ўз атрофида жипслаштирмоқда. Агар танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилаётган ҳар бир ғоянинг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, маълум бўладики, уларнинг ҳар бири юртимиз равнақи, санъати ва маданияти, ишлаб чиқариш ва телекоммуникация тизими, иқтисодиёт ва бизнес, архитектура ва қурилиш соҳалари ривожига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, кўрик-танловда "Бадиий ва амалий санъат", "Ахборот ва коммуникация технологиялари", "Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар", "Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа", "Архитектура ва дизайн" ҳамда "Бадиий ижод ва публицистика" номинациялари мавжуд. Жорий йилдан эътиборан ёшларнинг талаб ва истаклари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда мазкур номинациялар қаторига спорт номинацияси ҳам қўшилди. Яна бир эътиборли томони, танловнинг республика босқичи ғолиблари юртимиздаги олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинади. Танловда иштирок этиш учун жорий йилда иқтидорли ёшлардан жами 32 мингга яқин аризалар қабул қилинган. Кўрик-танловнинг вилоят босқичлари якунига кўра, улардан 500 нафари республика босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди.

Бундан ташқари, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказлари ташкил этилган. Айни пайтда ушбу марказларда юзлаб интилувчан, ташаббускор ва иқтидорли ёшлар ҳамда "Келажак овози" танловининг бўлажак иштирокчилари ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиш, билим ва малакаларини ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

МУХБИРИМИЗ

Истиқлол берган имкон

Истиқлол шарофати билан тадбиркорликка қўл урган тиниб-тинчимас аёл Раъно Абдувалиева 2003 йили Бўка тумани марказидаги Ўзбек маҳалласи ҳудудида хусусий корхона очган эди. Натижада маҳалладаги қаровсиз ҳудуд ўрнида хусусий савдо дўкони бунёд этилди. Тез орада унинг атрофи обод гўшага айланди.

ЎЗБЕКдаги КОРХОНА

маҳалладошларга сифатли ва арзон нархларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиб келмоқда

Ҳозирда "Нозимхон—Нодирхон" хусусий корхонаси раҳбари Раъно Абдувалиева аҳолига сифатли ва арзон нархларда савдо, маиший хизмат кўрсатиб келмоқда. У туман аҳолисига зарур уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари, совға буюмлари етказиб беришни ўз зиммасига олган. Ширинсухан, хушмуомала бу аёлни маҳалла аҳли нафақат тадбиркор, балки жамоатчи маслаҳатгўй сифатида ҳам қадрлайди.

Дарвоқе, Раъно Мустақиллик байрами санаси — 1 сентябр куни таваллуд топган. Унинг учинчи ўғли — Дадахон эса 16 ёшда — Истиқлол тенгдоши. Шу боис, ҳар йилги анъанага кўра, бу йил ҳам Истиқлол байрами тадбиркор оиласида қўшалоқ шодиёнага айланиб кетди.

Айни пайтда тадбиркор аёл бунёд этган хусусий корхона биносининг иккинчи қаватида маҳалла аҳли учун тўй-маъракага ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган маросимлар зали қурилиши жадал олиб борилянпти. Мазкур зал фойдаланишга топширилгач, бўқаликлар учун яна бир қулайлик яратилади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

Наманган вилояти

ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги нишонланаётган жорий йилда минг-минглаб истиқлол тенгдошлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олди. Айниқса, 1991 йил 1 сентябрь — Мустақиллик байрами кунида туғилган ўғил-қизлар учун бу кун ҳаяжонли ва эсда қоларли бўлди. Улар орасида қарийб икки юз нафар наманганлик ёшлар ҳам бор.

Уларга паспорт топшириш маросимида жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, ўқитувчилар иштирок этди. Дастлаб ёшлар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди. Аждодларимизнинг матонати, мардлиги ва қаҳрамонлиги олдида бош эгиб таъзим қилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама билимли, жисмонан ва маънан кучли бўлиб вояга етиши, ўз қобилиятини намоён этиши учун барча имкониятларни яратиш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда билимли, эртанги кунга интилувчан янги авлод ўсиб-улғайди. Халқимиз ёшларга катта умид боғлаган ҳолда келажакка ишонч билан қадам қўймоқда.

— Мен 1991 йил 1 сентябрда туғилганимдан фахрланаман, — дейди Чуст шаҳридаги 3-мактаб битирувчиси Сарварбек Ҳакимов. — Биз, мустақиллик тенгдошлари мамлакатимиз билан бирга ўсдик ва ривожландик. Шу йиллар мобайнида жамиятимиз ва Президентимиз томонидан бизга катта ғамхўрлик кўрсатилди. Бундай эътибор ифодасини ўз ҳаётим мисолида ҳам кўриш мумкин. Тинч ва бахтли болалик орзуларимни амалга оширишим учун кенг йўл очиб берди. Устозларимнинг саъй-ҳаракати билан умумтаълим мактабини муваффақиятли тамомлаб, Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳузуридаги академик лицейда ўқишни давом эттириш имкониятига эга бўлдим. Келажакдаги орзуим иқтисодиёт магистри бўлиш ва мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдир.

— Биз Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги байрами кунида Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олдик, — дейди Поп туманидан Ноира Эгамбердиева. — Бундай юксак шараф зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Биз, истиқлол тенгдошлари келажакда жонажон Ўзбекистонимиз тараққий этган ва кучли давлат бўлиши учун масъулмиз. Мен тенгдошларим, Ўзбекистон ёшлари ўз муваффақиятлари, ижод ва спорт соҳасидаги ғалабалари билан Ватанимиз довруғини бутун дунёга таратаётганидан фахрланаман.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими И.Нажмиддинов сўзга чиқди.

И.РАЗЗОҚОВ,
ЎзА мухбири.

Истиқлол йиллари — истиқбол йўллари

Сурхондарё вилояти

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари мустақиллик йилларида шаклланди, тараққий этди. Эндиликда жамият тараққиётида уларнинг муносиб ўрни, улуши бор. Қишлоқ ва маҳалла йиғинларини ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи, фуқаролик жамиятининг энг самарали ва халқчил кўриниши десак, асло янглишмаймиз. Шу боис, ота-боболаримиз қадимдан маҳаллага ҳурмат билан қараганлар, унинг ёзилмаган, аммо ҳар бир маҳалладошнинг қон-қонига сингиб кетган тартиб-қоидаларига сўзсиз амал қилиш шарт, деб билганлар.

ИСЛОҲОТЛАР МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Сурхон воҳасида 120 та қишлоқ ва шаҳарча, 700 дан ортиқ маҳалла йиғини мавжуд. Сир эмас, йиғинлар фаолияти кўп жиҳатдан оқсоқолларнинг малакаси ва ташаббускорлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳисобот-сайловлар чоғида бўлажак оқсоқолларда ана шундай сифатларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Оқсоқолларимиз ободончилик ишларида, тўй-ҳашам, маърака-маросимларни тежамли ва тартибли ўтказишда, янги иш ўринларини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларга қарши курашишда ташаббус кўрсатмоқдалар.

Дарвоқе, маҳалла — тарбия ўчоғи, маънавият маркази. Аммо ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, инсонларарО меҳр-оқибатни улуғлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишда оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлигининг йўлга қўйилиши янада яхши натижа беради. Оқсоқолларимиз бу борада ҳам анча тажриба ортирганликларини ўз фаолиятларида намоён этмоқдалар.

Яқинда Бойсун, Ангор, Олтинсой, Денов ва Термиз туманларида Маънавият-тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия бошқармаси, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси вилоят вакиллиги ҳамкорлигида тўй-маросимлар ҳамда бошқа тадбирларни ўтказишда оқсоқолларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муҳокама этилган минтақавий ўқув семинари ўтказилди. Бундай семинарлардан олинадиган кўникмалар оқсоқоллар фаолиятида асқотиши шубҳасиз.

Вилоятда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида ҳам қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бўлимимиз ташаббуси билан 180 нафар боланинг суннат тўйи, 20 жуфт ёшларнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Ҳомийлардан тушган хайрия маблағлари ҳисобидан 100 нафар ногиронга аравачалар топширилди. 37 нафар якка-ёлғиз кишининг турар-жойлари таъмирлаб берилди. Кам таъминланган 2170 нафар оилага қарийб 15 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, 300 бошдан зиёд соғин сигир ҳадя этилди. Шунингдек, ёш авлодни жисмонан бақувват, соғлом ва маънан етук инсонлар қилиб камол топтиришга кўмаклашиш ҳам ҳамиша диққат марказимизда. "Отам—онам ва мен" оилавий спорт мусобақасида 630 та маҳалладан 2520 нафар ота-она ва уларнинг фарзандлари иштирок этишди. Шуниси қувонарлики, спорт билан шуғулланаётган ота-оналар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Маҳаллаларда замонавий спорт мажмуалари қад ростламоқда. Жумладан, Денов туманида минг ўринли, Ангор ва Қумқўрғон туманларида 800 ўринли янги спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эркин КЎЧКИНОВ,
"Маҳалла" жамғармаси
Сурхондарё вилояти бўлими раиси.

Эътиборлиси, бу иншоотларни барпо этишда ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлди. "Маҳалла" жамғармасининг Олтинсой тумани бўлинмаси ўқувчиларга 2 миллион сўмлик спорт анжомларини совға қилди.

Болалар спортини ривожлантириш мақсадида спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ташкил этилди. Беллашувларда қарийб уч юз минг нафар ўғил-қиз ва уларнинг ота-оналари куч синашишди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан тақдирланди. Вилоятда болалар футболи ҳам жадал суръатларда ривожланмоқда. Футбол бўйича ўсмир ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада 50 дан ортиқ жамоанинг тўп сургани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Маҳалла ободлиги ва тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш каби масалалар бундан кейин ҳам оқсоқолларимизнинг асосий вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. «Ижтимоий ҳимоя: унда фуқаролар йиғинларининг роли».

Бухоро вилояти

Йиғинда кимлар ишлайди?

"БИРИНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ, КЎРИБ ШУКР!" —

дейди ғайрат-шижоатда маҳалладошларига ўрнак бўлаётган 70 ёшли оқсоқол

Бухоро шаҳрида жойлашган Файзулла Хўжаев номли маҳалла вилоятдаги энг намунали маҳаллалар қаторида туради. Бундай илғорликни таъминлашда маҳалла оқсоқоли, педагогика фанлари номзоди Тўра Бобомуродовнинг ғайрат-шижоати, ўзига ва атрофдагиларга талабчанлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. 20 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат салкам 4 минг нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллани бошқариш, тинч-тотувликни таъминлаш йиғин раисидан катта меҳнат, билим ва тажриба талаб этади.

— Маҳалламиз Бухоронинг эски шаҳар қисмида жойлашган. Демакки, фуқароларимизга маҳалла тушунчасининг моҳиятини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Маҳалладошларимиз минг йиллардан буён кўни-қўшничилик, қудаандачилик ришталарини сақлаб келган аждодларига муносиб бўлишга интиладилар, қадриятларимизни эъзозлайдилар, — дейди Тўра ака. — Мен ҳар қандай ишда маҳалла аҳлига суянаман ва худди шу жиҳат муваффақиятларимиз гарови бўляпти, деб ўйлайман. Халқимизда "Бирини кўриб фикр қил, бирини кўриб шукр қил", деган мақол бор. Ҳамма ишимиз зўр, дея бемалолликка берилмаслик керак. Масалан, ободончилик, бунёдкорликнинг чеки-чегараси йўқ. Имконини топсангиз, ҳар бир маҳаллада ҳар қанча ободончилик ишларини қилсангиз ҳам ярашаверади. Қаерга йўлим тушса, одамларнинг кайфиятига, бажарган ишларига зингил соламан, бирор ибратли жиҳатини ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Бундан бир неча йил аввал имконият туғилиб, Германиянинг Берлин, Дрезден ва Франкфурт-Майн шаҳарларида бўлгандим. У ерда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими биздагичалик ривожланган бўлмаса-да, ибрат олсак арзийдиган жиҳатлари бор экан. Немисларнинг муниципал ташкилотларида ўзбекона маҳалла-қўйчиликнинг асосий жиҳати ҳисобланган ҳамжиҳатлик етишмайди — бирор масала юзасидан ҳар ким ўзича ечим ясайди. Лекин озоналикка риоя этиш, атроф-муҳит ва табиат инъомларини асраб-авайлаш борасида, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишда улар жуда илғор экан.

Тўра ака етмиш ёшни қаршилаган бўлишига қарамай маҳалла ободлиги йўлида энг асосий ташаббускорлардан бири. Ана шу ташаббускорлик самараси ўлароқ, кейинги йилларда маҳаллада замонавий шаҳар меъморчилиги талабларига мос идора биноси, болалар спорт майдончаси, 3 та дорихона, 3 та ошхона, 5 та савдо дўкони, 500 ўринли тўйхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Отбозор ва Афросиёб кўчаларига асфальт ётқизилди.

Оқсоқол бошчилигида ҳар йили маҳалла ҳудудидаги 60 га яқин кам таъминланган оилага, 250 нафар эҳтиёжманд фуқарога, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий-маънавий ёрдам бериб келинмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу кўмаклар маҳалла ҳудудида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ ташкилот ва хусусий корхоналарнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга ошириляпти.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа



ГУВОҲНОМАСИЗ 15 ЙИЛ

Германиянинг Обергюнцбург (Бавария) шаҳарчасидаги полиция кам учрайдиган ҳодисани қайд этди.

Ўша ерлик бир ҳайдовчи 15 йилдан бери гувоҳномасиз машина бошқараркан. Ҳайдовчининг бундай ноқонуний "марафони" яна узоқ давом этиши мумкин эди, агар у йўл ҳаракати қоидасини бузмаганида.

СОҲИБИГА ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ИЛОН

Ғарбий Германиянинг Вильгельмсхафен шаҳрида яшовчи тиш дўхтири Алоиз Борнеманнинг уйида унча катта бўлмаган илон яшайди.

Бир куни хўжайини ўз илонини ваннахонада қолдириб, бир неча кунга хизмат сафарига кетди. Илон тушмагур қандайдир йўл билан совуқ сув жўмрагини бурашга муваффақ бўлган. Натижада Борнеманнинг ва пастки қаватдаги бир неча қўшниларнинг хонадонлари сув тошқинидан жиддий зарар кўрди. Тиш дўхтирининг анчамунча жарима тўлашига тўғри келди. Суғурта идораси ходимлари эса Борнеманнинг омади бор экан, дейишмоқда. Агар илон совуқ сув ўрнига иссиқ сувни очиб юборганда борми, бечора дўхтир бундан ҳам кўп пулга тушган бўларди.

СОЧ ТОЛАСИДАН ТЕМИР ЙЎЛ

Ереванлик Э.Казарян деган уста соч толаларидан 5 миллиметр узунликда ер ости йўли ясаган.

Унда "темир йўл" ётқизилган бўлиб, икки митти поезд қарама-қарши йўналишда қатнайди. Ҳар бир поезд 35 вагондан иборат. Вагонча ойналаридан ҳатто "одамлар"нинг юзлари ҳам кўриниб туради. Бундан ташқари ер ости йўли ичида иккита бекат жойлашган. Унга "Тинчлик", "Дўстлик" деб ёзиб қўйилган. Мана шуларнинг ҳаммаси 5 миллиметрлик ер ости йўлида жойлашган.

Фарғона вилояти

Спорт оламида

НУРОНИЙЛАР МАЙДОНДА

"Нуроний" ва "Маҳалла" хайрия жамғармаларининг вилоят бўлимлари, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорликда Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб Фарғона шаҳридаги "Нефтчи" ўйингоҳида "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" шиори остида фахрий спортчилар байрамини ўтказди.

Беллашувлар спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича аёллар ва эркаклар ўртасида, футбол тури бўйича эса эркаклар ўртасида ўтказилди.

Тадбирда фан номзоди, доцент Теша Норматов, вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Тўлқинжон Собиров, мураббийлардан Рафаэль Шахназаров, Шавкат Қосимов, Владимир Артюнов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз спортининг ўтмиши, мустақиллик йилларида соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ҳақида гапирдилар.

Тадбир ниҳоясида ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди; улар учун байрам дастурхони тузалиб, концерт дастури намойиш этилди.

Қодир ШОДМОНОВ

Тошкент шаҳри

ЮЗРАБОТДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

у юзлаб ёшларнинг жисмонан ва маънан камол топиши учун хизмат қилувчи масканга айланиши аниқ



1 сентябр куни Мирзо Улуғбек туманида фойдаланишга топширилган ушбу спорт иншооти нафақат Юзработ маҳалласи, балки ёнатрофдаги бошқа маҳаллалар ёшлари учун ҳам ажойиб байрам туҳфаси бўлди.



— Ушбу спорт зали Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туманимиз ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмагида қуриб битказилди, — дейди Юзработ маҳалласи оқсоқоли Абдумалик Эрназаров. — Эски ўйингоҳ қайтадан таъмирланди. Энди бу ерда юзлаб ёшлар спортнинг бир неча турлари билан шуғулланишади. Машғулотлар спорт иншооти тантанали тарзда очилган куниёқ бошланиб кетди.

СУРАТЛАРДА: *"Юзработ" спорт мажмуасининг тантанали очилиши маросимидан лавҳалар.*

Энг намунали маслаҳатчилар фаолиятидан

Тошкент шаҳри

ИШ УНУМИ ИНТИЗОМДАН БОШЛАНАДИ

Шофайзи боғ маҳалласи маслаҳатчиси фаолияти мисолида бунга амин бўлиш мумкин

Шофайзи боғ маҳалласи Учтепа туманида, катта йўл бўйида жойлашган. Маҳалла муқаддам Ойдин Собирова ва Шофайзқулоқ номлари билан аталган.

Маҳалла фаолияти ҳар жиҳатдан намунали бўлгани боис, фуқаролар йиғини ва унинг ходимлари бир неча бор турли кўрик-танловларда, жумладан, "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг обод маҳалла" ва "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" танловларининг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган. Жорий йилда "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси" кўрик-танловининг республика босқичида Шофайзи боғнинг маслаҳатчиси Малика Маҳмудова ғолиб деб топилди.

Айтиш жоизки, йиғин ҳудудида истиқомат қилаётган тўрт минг нафарга яқин фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, узоғини яқин қилиш мақсадида ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, минимаркет, келинлар либоси салони фаолияти йўлга қўйилган. Маҳалла идораси атрофида барпо этилган боғ, ҳовли саҳнига экилган турфа гулларни кўриб, маҳалла қиёфаси ўз номига муносиб эканига амин бўласиз.

— Идорамизни бугунги кўринишга келтириш учун кўп меҳнат қилганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Маҳмудова. — Бу бино маҳалламиз тасарруфига ўтказилганида фақат томи ёпилиб, дераза ромларигина ўрнатилган тўрт девордан иборат эди холос. Маҳалламиз оқсоқоли Жўрабек ака Сойипов ҳамда саховатли маҳалладошларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бинони ҳозирги кўринишга келтирдик. Ҳовли атрофидаги фойдаланилмай ётган ташландиқ майдонда боғ барпо этилишида ҳам маҳалладошларимиз анча-мунча заҳмат чекиб меҳнат қилдилар.

Идорада одатда йиғинда юритиладиган ҳужжатлардан ташқари, маҳалладаги ҳаётнинг ҳар бир жиҳатига оид, ҳаттоки кўчалардаги симёғочларга ўрнатилган чироқларнинг қанчаси ёниши ёки ёнмаслиги хусусидаги ҳужжатларни ҳам топиш мумкин.

Шофайзи боғда бандлик муаммоси ҳал этилган, чунки бу ерда касаначилик кундан-кун ривожланмоқда. Бундан ташқари йиғин идораси биносида жойлашган дўкон, пластик ромлар ишлаб чиқариш цехи ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларида 50 нафардан зиёд маҳалладошлар муқим иш билан банд. Ҳомийлар кўмаги билан ўтган йили 4-умумтаълим мактабига компьютер жамланмаси олиб берилди, жорий йил бошида эса кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловлардан мавжуд бўлган қарзлари тўланди. Маҳалла ҳудудида қабристон йўқлиги боис, маҳалладошлар ташаббус кўрсатиб, Зангиота туманидаги Ваққос ота номли қабристонни тартибга келтириш ишларида қатнашиб туришади. Ўтган йили у ерда 35 метр узунликдаги айвон қуриб битказилди.

Малика Маҳмудова (ўнгда) маҳалладаги касаначи аёл фаолияти билан танишмоқда.

Йиғиндаги хайрли тадбирлардан хабар топган тумандаги бошқа маҳаллалар ходимлари Шофайзи боғга келиб, тажриба орттириб кетмоқдалар.

— Яқинда эса бир гуруҳ япониялик меҳмонлар маҳалламизга ташриф буюришиб, унинг ҳаёти билан яқиндан танишишди, — дейди маслаҳатчи. — Уларда юртимиздаги ўзини ўзи бошқариш тизими катта қизиқиш уйғотгани боис, ўзбек маҳаллалари фаолияти ҳақида китоб чиқаришмоқчи экан.

— 35 йил давомида ўқитувчи бўлиб ишлаганим учунми, одамлар билан мулоқотда бўлиш, ёшлар билан ишлашни жуда яхши кўраман, — деб сўзида давом этади Малика опа. — Ўтган йили қўшимча иш ўрни ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Тикувчилик цехимизда 8 нафар хотин-қиз ишламоқда. Маслаҳатчи сифатида фаолиятимнинг асосини ёшларимизни миллий урф-одатларимиз, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, касб-ҳунарга йўналтириш каби тадбирлар ташкил этади. Жорий йилда маҳалламиз болаларининг ёзги таътилни мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида бисер тикиш ҳамда компьютер саводхонлиги тўгаракларини ташкил қилдик. Айни пайтда идорамиз ҳудудида барпо этилаётган кичинагина теннис корти ишга туширилса, у болажонларимиз учун яна бир машғулот масканига айланади. Ёшларнинг кўнглига йўл топиш учун, уларнинг ўй-хаёли, муаммолари билан қизиқиш, самимий суҳбатда бўлиш лозим. Шундагина уларни тўғри йўлга бошлаш, тарбия самарадорлигини ошириш мумкин.

Наргис БЕРДИБОЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

Андижон вилояти

«ҚЎЛБОЛА»НИНГ БАЛОСИ ЁМОН!

Ёхуд қўлбола ароқ тайёрлаб ва пуллаётган «ҳожатбарор»лар хусусида

Ноқонуний эришилган бойлик эгасига кўп жабру жафоларни олиб келади. Буни Ҳакимжон Жумабоев мисолида ҳам кўришимиз мумкин. У Сардор номли ошхонада ишлаб юрган кезлари қўлбола ароқ тайёрлаш сир-синоатларини ўзлаштириб олди. Ҳамиша одам гавжум бўладиган ошхонада баъзан бу "матоҳ" топилмай қолади. Қарабсизки, Ҳакимжонга ўхшаганларнинг ошиғи олчи.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қўрғонтепа тумани бўлими ходимлари Сардор номли ошхонада ўтказган текширувлари чоғида сотиш учун пештахтага қўйилган олти дона ароқнинг ёрлиқлари турлича экани, елимланган акциз маркаларининг эса бир хиллигини сезиб қолдилар. Ҳакимжоннинг иш жойи текширилганда ҳақиқатан ҳам унинг қўлбола ароқ тайёрлаш билан шуғулланиши аниқланди. Мўмай даромад илинжида инсонлар саломатлигини хавф остига қўяётган сохта тадбиркорнинг эса қилмишидан пушаймон бўлишдан бошқа иложи қолмади.

Бундай кўнгилсиз ҳолатларга барҳам бериш учун аввало, ноқонуний фаолият олиб бораётган "тадбиркор"ларни хомашё билан таъминловчи манбаларни аниқлаш ва улар фаолиятининг пайини қирқиш зарурлигига аҳамият қаратган департамент ходимлари яна бир фуқаронинг қинғир ишларига чек қўйишди. Андижон шаҳридаги Навоий номли кўчада истиқомат қилувчи фуқаро Мартабахон Бакирова қўлбола ароқ тайёрловчиларни арзон хомашё — спирт билан таъминловчи «ҳожатбарор»лардан экан. У ўз хонадонида 15 литр спирт, юз дона ксеронусхадан чиқарилган акциз марка ва 20 дона алюминий қопқоқларни 50 минг сўмга сотаётган пайтида қўлга олинди. Хонадони кўздан кечирилганда елим идишларда яна 24 литр спирт, 2200 дона алюминий қопқоқлар ва акциз маркалари бўлмаган қўлбола "Андижон" ароқлари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

Қўрғонтепа шаҳри Мустақиллик кўчасида жойлашган Шерзодбек номли хусусий фирмага қарашли дўкон бўлим ва туман солиқ инспекцияси ходимлари ҳамкорлигида текширилганда қўлбола ароқ маҳсулотлари сотилаётгани аниқланди. Дўконда умумий қиймати 21250 сўм бўлган 17 дона акциз маркасиз ароқ, 37 минг сўмлик акциз маркаларисиз тамаки маҳсулотлари, 500 дона ароқ қопқоқлари, 600 донага яқин ишлатилган акциз маркалари борлиги маълум бўлди.

Бугунги кунда ноқонуний пул айланмасига чек қўйиш тегишли давлат идораларининг асосий иш фаолиятини ташкил этмоқда. Бўлим ходимлари томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, туманда фаолият юритаётган тадбиркор ва юридик шахсларнинг аксарияти мавжуд қонунчиликка риоя қилиб, солиқ ва бошқа жамғармалар бўйича тўловларни вақтида тўлаб, ҳалол ишлаётган эканлар. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, қонунларни четлаб ўтиб, солиқ ва тўловлардан бўйин товлаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

"Голд сервис люкс" масъулияти чекланган жамияти анчадан буён аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган эди. Аммо текширувлар натижасида ушбу жамият 2005-2006 йилларда амалга оширилган молиявий алоқалар юзасидан давлат солиқ идораларига ҳисоботларни ўз вақтида топширмагани маълум бўлиб қолди. МЧЖ томонидан солиқ ва солиққа тенглаштирилган жамғармалар бўйича тўловларнинг амалга оширилмагани давлат бюджетига жами 5 млн. 646 минг сўм зарар келтирган. 89,4 млн сўм нақд пул эса банкка топширилмасдан, бошқа мақсадларга сарфлаб юборилган. Айни пайтда жамият раҳбари Муҳаммаджон Раҳмонов қилмишлари учун қонун олдида жавоб бермоқда.

Ҳотамжон Мўминов ҳам қинғир йўл билан бойлик орттирмоқчи бўлиб, хатога йўл қўйди. У солиқ идораларига ўзи ташкил қилган "Одил савдо қурилиш" МЧЖнинг 2005-2006 йиллар давомидаги даромадларини яшириш мақсадида Қўрғонтепа "Пахта тозалаш" ҳиссадорлик жамияти ва "Андижонёғмой" акциядорлик жамияти билан алоқалари ҳақидаги ҳисоботларни тақдим этмади. Департаментнинг туман бўлими ходимлари молиявий алоқаларни текширган чоғида "Одил савдо қурилиш" МЧЖ давлатга 2 млн. 483 минг сўм тўлашдан бўйин товлаб келганлиги аниқланди. Шу туфайли 44 млн. 300 минг сўм нақд пул банк муассасасига топширилмаган ва бошқа мақсадларга ишлатиб юборилган.

— Солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловлар давлатимиз бюджетининг салмоқли улушини ташкил этади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Қўрғонтепа тумани бўлими бошлиғи Баҳромжон Назимов. — Шуни била туриб, солиқларни тўлашдан бош тортаётган, даромадларини яширишга уринаётган кимсаларга қарши курашиш бўлимимиз ходимларининг асосий вазифаларидан биридир. Саъй-ҳаракатларимиз туфайли жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уч ҳолатда 137 млн. сўмдан зиёд ноқонуний нақд пул айланмасини аниқлашга эришдик. Зеро, ҳар қандай ноқонуний фаолият ходимларимизнинг сергак назаридан, эътиборидан четда қолмайди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз!

Савол:

ТАЪТИЛДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Иш жойимдан меҳнат таътилига чиққан эдим. Аммо маълум сабабларга кўра, таътил муддати тугамасдан яна ишга қайтишга мажбур бўлдим. Бу ҳолатда меҳнат таътилининг фойдаланилмаган қисми учун қандай имтиёзларга эга бўламан?

Жавоб:

...КЕЛАСИ ИШ ЙИЛИГА КЎЧИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 147-моддасига кўра, таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки мазкур кодекснинг 143-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра, жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим...

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Марғилон катта тўй арафасида

Яқин кунларда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланади. Айни кунларда марғилонликларнинг каттаю кичигини байрамона кайфиятда учратасиз...

МАРҒИЛОН МАДҲИ

Кўҳна шаҳрим — Марғилон бўлмоқда номдор бу кун,
Юртбошим тўй бошида, унга мададкор бу кун.
Кўчалар чароғон, соз, икки юзи сариштa,
Гуллар шошар очилмоққа, бедор бу кун.
Мовий осмон остида қад ростлайди бинолар,
Бири коллеж, бири мактаб, янги бозор бу кун.
Ёшлар хиёбони келажак авлодга совға,
Қувноқ ўсмоқда зурриёдлар бахтиёр бу кун.
Азалий удумлар, атлас поёндоз йўлларига,
Меҳмонлар қадамжойи бўлади гулзор бу кун.
Гуррас-гуррас меҳмонлар, қани келинг, марҳабо!
Аҳдлий сизга ёзган дастурхони тайёр бу кун.

Рўзимуҳаммад УМРЗОҚОВ,
Марғилон шаҳридаги Б.Марғиноний номли маҳалла фуқаролар йиғини котиби.

«Ҳидоят» гулшанидан

Убайдулла УВАТОВ,
Тошкент Ислом университети Манбалар хазинаси директори, тарих фанлари доктори.

МУСҲАФнинг ЛОНДОНга ТАШРИФИ

Шу йил апрел ойининг 27-куни Англия пойтахти Лондон шаҳридаги машҳур "Британия кутубхонаси"да "Муқаддас қўлёзмалар бизни яқинлаштиради" шиори остида "Яҳудийлик, насронийлик ва ислом динларига оид муқаддас манбалар" деб аталган халқаро кўргазма иш бошлади. То 23 сентябргача давом этадиган бу кўргазмада Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Швейцария, Ирландия ва Мароқаш каби мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг ҳам иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

Англия қироличаси Елизавета II нинг турмуш ўртоғи герцог Эдинбург ва Мароқаш подшоҳи Муҳаммад VI ҳомийлигида ўтказилаётган бу халқаро кўргазмада зикр қилинган мамлакатларнинг нуфузли музейлари, кутубхоналари ва университетлари тақдим этган икки юздан ортиқ қўлёзма манба ва қимматли китоблар намойиш этилмоқда. Тошкент Ислом университети манбалар хазинасида сақланаётган Ҳазрати Усмон Мусҳафийдан кўчирма (хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ 2004 йили кўчирган нусха)ни кўргазма ташкилотчилари ва кўпсонли зиёратчи олиму мутахассислар катта мамнуният ва алоҳида эътибор билан юқори баҳолашмоқда. Масалан, Британия кутубхонасининг директори Линней Брайндли хоним: "Тошкент Ислом университети кўргазмага тақдим этган ушбу ҳажман салобатли, илмий ва тарихий аҳамияти беқиёс ноёб кўчирма қўлёзманинг намойиши азалдан исломий илм ва мероснинг йирик марказларидан бири Ўзбекистонда қадриятларга катта эътибор берилаётганини кўрсатади. Биз келажакда ҳам мамлакатингиз олимлари билан илмий ва маданий алоқаларни давом эттиришга ҳаракат қиламиз", деди.

Шунингдек, Мароқашнинг Британиядаги элчихонаси матбуот котиби Абдулқодир Жамуссий: "Энг аввало, мен Ўзбекистон аҳлини Тошкент шаҳрига 2007 йили "Ислом маданияти пойтахти" мақоми берилгани муносабати билан қутлайман ва Тошкент билан бир қаторда Мароқашнинг Фас шаҳри ҳам айнан шу юксак мақомга сазовор бўлганини катта қувонч билан айтмоқчиман. Ушбу халқаро кўргазмада мустақил Ўзбекистон ва Мароқашнинг қадимий қўлёзмалар билан иштирок этаётгани бу иккала мамлакатда илмий, маънавий ва диний манбаларни асраб-авайлаб сақлашга алоҳида эътибор берилаётганини билдиради. Шу кунларда Лондонга ташриф буюрган Мароқаш подшоҳи Муҳаммад VI ўзи ҳамда оила аъзолари бутун дунё мусулмонлари учун бебаҳо ва беназир бойлик ҳисобланган "Мусҳафи Усмоний"ни ушбу кўргазмада намойиш этишга розилик берган Ўзбекистон раҳбариятидан чуқур миннатдор бўлишди ва самимий ташаккурларини билдиришди".

Лондон университети қошидаги "Шарқ ва Африкани ўрганиш мактаби" Ислом тадқиқотлари марказининг директори, профессор Муҳаммад Абдулҳалим жаноблари билан бўлган мулоқотимиз айниқса қизиқарли ўтди. Асли мисрлик бу таниқли олим ислом тарихи ва маданиятига оид кўплаб асарларнинг муаллифи, Қуръони карим маъноларини инглиз тилига ўгирган таржимон сифатида ҳам илмий доираларда катта обрў қозонган. "Сизнинг юртингиздан исломий илмлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Кейинги пайтларда бу алломаларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганиш, умуман, исломий мерос ва қадриятларни муҳофаза қилиш йўлида мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ишлардан яхши хабардорман. Мен ислом дини тадқиқотчиси сифатида Ўзбекистон олимлари билан яқин ҳамкорлик қилишга доим тайёрман, сонсиз-саноқсиз улуғ даҳоларни, хусусан, Имом Бухорийдек буюк алломани етиштирган тупроқни зиёрат қилиш менинг энг эзгу ниятим", дея тўлқинланиб гапирди англиялик олим.

"Мусҳафи Усмоний"нинг асл нусхаси ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётгани маълум. Бундан тўрт йил муқаддам Тошкент Ислом университети раҳбариятининг ташаббуси билан мазкур нусхадан кийик терисига аслидагидек хатда (жами 704 саҳифа) мамлакатимизнинг таниқли хаттоти Ҳабибуллоҳ Солиҳ янги бир нусха кўчириб берган эди. Вазни қарийб қирқ кило келади. Истеъдодли саҳҳоф Суннатуллоҳ Пўлатов ушбу улкан қўлёзмага муносиб, исломий нақшлар билан безалган ажойиб муқова ясаган. Бундан бир неча ой муқаддам "Британия кутубхонаси" раҳбариятидан Тошкент Ислом университетига расмий хат келиб, унда ушбу кўчирма нусхани шу йил апрел ойида ташкил этилаётган "Яҳудийлик, насронийлик ва ислом динларига оид муқаддас манбалар" халқаро кўргазмасида намойиш этиш сўралибди. Ушбу масала ҳар томонлама чуқур ўрганилгач, ўзаро шартнома тузилиб, Қуръони карим Лондон шаҳрига олиб борилди ва кўргазмага қўйилди. Бу хайрли ишнинг амалга ошишида Буюк Британиядаги Ўзбекистон элчихонаси ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Кўргазмага тақдим қилинган бошқа кўплаб қимматли ноёб қўлёзмалардан "Ўлик денгиз ўрамлари", "Инжилнинг қадимий нусхаси", Мисрдаги мамлуклар сардори Султон Музаффар Рукниддин Байбарс II фармонига кўра Қуръони каримнинг 1305 йилда кўчирилган ажойиб нусхаси ва бошқаларни ҳам айтиш мумкин. Қуръони каримнинг турли даврларда ҳар хил минтақаларда кўчирилган ноёб нусхалари, айрим тилларга қилинган таржималари билан бир қаторда зиёратга келган мутахассис ва исломшунос олимларнинг диққат-эътиборини тортган асарлардан яна бири буюк ватандошимиз, аллома Маҳмуд Замахшарийнинг "Кашшоф" тафсири бўлди. XV аср ўрталарида Эронда чиройли насх хатида битилган тафсирнинг нодир қўлёзмаси ҳозир "Британия кутубхонаси"да сақланар экан. Мазкур кутубхонанинг қўлёзмалар хазинасида "Кашшоф"нинг турли даврларда кўчирилган йигирма беш нусхаси мавжудлиги бу қимматли тафсирга қизиқиш нақадар катталигини кўрсатади.

Ўрни келганда айтиш керак, бир ҳафталик Лондон сафаримиз давомида "Британия кутубхонаси"да сақланадиган шарқ тилларидаги, айниқса, араб тилидаги қўлёзмалар билан имкон қадар танишишга ҳаракат қилдик. Бу жараёнда машҳур кутубхона жавонларида ўрта асрларда яшаб, улкан илмий-маънавий мерос қолдирган кўплаб буюк ватандошларимизнинг қаламига мансуб мингдан ортиқ қимматли қўлёзма рўйхатини кўрдик. Юрагимиз чексиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлди. Ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг (810-870) "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" номли машҳур асарининг XII-XVIII асрларда кўчирилган йигирма саккиз қўлёзмаси, "Ҳофизуддин" (дин ҳимоячиси) номи билан шуҳрат қозонган насафлик таниқли олим Абдуллоҳ ибн Аҳмад Абул Баракот ан-Насафийнинг (1232-1310) "Канзул-дақоиқ" номли фиқҳий асарининг ўттиз қўлёзма нусхаси, шунингдек, бу олимнинг Қуръони карим тафсирига бағишлаб ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан ёзган "Мадориқут-танзил ан ҳақоиқут-таъвил" номли қимматли тафсирининг ўн икки қўлёзма нусхаси сақланиши буюк алломаларимиз илмий-маънавий ва диний меросига хорижий юртларда, хусусан, Буюк Британияда қизиқиш нечоғли катта эканига далилдир. "Шайхур-раис" деган ўта юксак илмий мақомга сазовор бўлган, табобат, фалсафа ва мантиқ илмлари алломаси Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳазратлари илмий-ижодий фаолияти даврида Қуръони каримнинг бир қанча сураларига тафсир ёзгани ҳам илм аҳлига яхши маълум. Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Қуръоннинг учта охирги (Ихлос, Фалак, Нос) сураларига Абу Али ибн Сино ёзган тафсирнинг қўлёзма нусхалари сақланади. Лондондаги "Британия кутубхонаси"да эса буюк ватандошимизнинг ўн битта муборак сурага ёзган тафсирининг қўлёзмалари мавжуд экан.

Умуман олганда, "Британия кутубхонаси"нинг хазиналарида сақланаётган кўплаб олимларимиз асарлари қўлёзмалари келажакда мамлакатимизда амалга оширилади ган илмий изланишлар ва тадқиқотларда улардан ҳам самарали фойдаланишимизни кутиб ётибди.

«Ҳидоят» журналининг 2007 йил 7-сонидан олинди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда режалаштираётган ишларингиз муваффақиятли якун топиши кутилмоқда. Шу боис вақтдан унумли фойдаланиб қолинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Яқин кунларда хушхабар эшитишингиз эҳтимоли бор. Бу янги уйжой масаласи ёки шахсий ҳаётингиздаги ўзгаришга алоқадор бўлиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Жамоада ўз ўрнингизни топишга шошилманг. Вазифангизни тўлиқ уддалаб, ҳамкасблар билан муносабатда самимий бўлишга ҳаракат қилинг.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Айни кунларда ўйламай қилаётган хатти-ҳаракатларингиз оқибатида атрофдагиларда сизга нисбатан салбий фикрлар уйғониши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Узоқ сафарга чиқишдан олдин керакли ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштиришни унутманг. Акс ҳолда сафар чоғида муаммолар юзага келиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Мазкур бурж вакиллари айни кунларда молиявий аҳволини яхшилаб олиш имкониятига эга бўладилар. Жума куни яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда соғлиғингиз бироз безовта қилиши мумкин. Пайшанбада кредит билан боғлиқ масалалар ижобий ҳал бўлиши кутилмоқда.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўз имкониятларингизни синаб кўриш учун айни кунларда қулай вазият юзага келади. Дам олиш кунлари камхаржроқ бўлишга ҳаракат қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Яқин кунларда эски қадрдонларингиз билан дийдорлашишингиз мумкин. Шанба куни эса кўпроқ уй юмушлари билан машғул бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда сизга ҳамкорлик юзасидан янги таклифлар тушиши кутилмоқда. Аввал ҳар томонлама ўйлаб кейин бирор қарорга келганингиз маъқул.

КОВҒА (20.01-18.02)
Фарзандларингиз тарбиясига айни кунларда янада эътиборли бўлинг. Якшанбада оилангиз билан бирор жойда дам олишга ҳаракат қилинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳамкасблар билан ўртангизда можаро келиб чиқмаслиги учун ҳамма билан хушмуомалада бўлишга интилинг. Бу албатта, яхши самара беради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Қадырова Азиза Исмаиловнага 2007 йил 26 январда берилган 09-02999 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Топонимлар тарихини биласизми?

ФОРИШ «БОДИСАБОҲ»МИ?

Фориш қишлоғининг номланиши билан боғлиқ турли тахминлар мавжуд

Фориш қишлоғининг номи Франциянинг пойтахти Парижга тақлидан келиб чиққан, дейишади. "Фориш" атамасининг келиб чиқиши ҳақида турли ривоятлар ҳам бор. Уларда келтирилишича, бу қишлоқ Амир Темур ҳукмронлиги даврида Соҳибқирон салтанати билан Англия, Испания ва Франция каби ғарб давлатлари ўртасида ўрнатилган сиёсий, савдо-сотиқ алоқаларининг рамзи сифатида пайдо бўлган экан.

Нурота тизмасининг шимолий ёнбағрида жойлашган бу сўлим гўша атрофида олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, қишлоқнинг қадимги қўрғони IV-V асрларда Фориш дараси оғзида қад кўтарган. Унинг номи, шубҳасиз, ушбу тоғолди диёринг табиати билан боғлиқдир.

Самарқанднинг Ургут ва Жартепа ҳудудларида яшайдиган аҳоли тоғ томондан эсадиган субҳидамдаги шабадани "фалғар", аниқроғи "фарғар" номи билан атайди. Кун пешиндан оққанда водий томондан эсадиган шамолни эса "моргузар" ёки "илонўтди" деб юритишади. Қадимий суғдий тилида "фарғар" сўзи "ғор", "унгур" ёки "дара оғзи" маъносини англатади. Шу сабабли тоғ томондан эсадиган тонгги енгил шабада юқори Зарафшон водийсида "фарғар", яъни "унгур оғзидан чиқадиган елвизак" деб юритилган.

Агарда "фарғар" номига қиёсан "Фориш" атамасини таҳлил қилсак, у вақтда ушбу топонимнинг маъноси "пастдан кўтариладиган майин шабада", яъни "бодисабоҳ" деган маънони билдирган. Шунингдек, фориш сўзи баланд, юқори деган маъноларни ҳам англатади.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Кўрик-танлов давом этади

Қашқадарё вилояти

"Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида "Маҳалла" жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилаётган "Маҳаллам тарихини ўрганаман" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан жамоалар ўз маҳаллалари тарихига оид турли кўргазмалар ва саҳна кўринишлари билан иштирок этишди.

САРИОСИЁ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Якуний натижаларга кўра, Шаҳрисабз туманидаги Сариосиё маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Ушбу кўрик-танловнинг ташкил этилиши юртимизда маҳаллаларга бўлган юксак эътибор ифодасидир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Доли Аллаев. — Бундай тадбирлар аввало маҳаллаларда миллий қадриятиларимизни тиклашда қўл келади, қолаверса, урф-одат ва анъаналаримизни ёшлар онгига сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Э.ҚУРБОНОВ

Шунақаси ҳам бўлади!

РЕКЛАМАчилар "ҚОВУН ТУШИРДИ"

Ҳозир ҳеч бир мамлакат ҳаётини рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Қаёққа қараманг, рекламага дуч келасиз. Фаолиятининг бирон учи рекламага бориб тақалмайдиган соҳа ёки мутахассисни излаш ҳам бефойда: бугунги кунда унақасини тополмайсиз. Реклама эндиликда оддий савдо-сотиқ, тижорат ишларини ривожлантириш воситасигина эмас, бутун бошли саноатга айланиб улгурди. Турли соҳа фаолиятига алоқадор кишиларни қўятурайлик, уй бекасию ёш болалар ҳам у ёки бу маҳсулот истеъмолчиси сифатида телерекламалар томошабини, ҳатто билагонига айланишган. Реклама роликларининг савияси, сифати хусусида эса узоқ баҳс юритиш мумкин, бу — мулоҳаза учун алоҳида мавзу.

Реклама роликларини яратиш бобида хорижликлар устаси фаранг. Уларни тайёрлашга ихтисослашган катта-катта компаниялар ишламоқдаки, уларнинг мутахассислари сафида мультипликатор рассомлар, дизайнер, филологлардан тортиб, руҳшуносларгача бор. Дарвоқе, реклама орқасидан улар топаётган даромад ҳам маҳсулоти реклама қилинаётган компанияларникидан кам эмас. Буни қарангки, шу даражада устомон мутахассислар тайёрлаган реклама роликларида мантиқий, географик, техник, баъзан эса сиёсий хатолар ҳам учраб турар экан. Халқона айтганда, бундай хатоларни "қовун туширди" қабилидаги ишлар сирасига киритиш мумкин. Ажабланарлиси, бундай "қовун туширди"лар туфайли реклама буюртмачиси ва бажарувчиси ўртасида суд жараёнлари авж олибгина қолмай, баъзи ҳолатларда халқаро миқёсдаги можаролар ҳам рўй бермоқда...

"МЕГАФОН" МОЖАРО ҚЎЗҒАДИ

"Мегафон" компаниясининг халқаро қўнғироқлар учун арзон нархларни таклиф қилувчи реклама ролиги компанияга жуда қимматга тушди. Реклама ролигида компания хизмат кўрсатувчи мамлакатларнинг харитаси акс эттирилади. Бу ўринда йўл қўйилган географик хато шундан иборатки, харитада Озарбайжон давлати ўрнига Арманистон ҳудуди акс этади. Бу ҳолдан озарбайжонлик дипломатлар жуда таажжубга тушдилар, катта можаро чиқишига бир баҳя қолди. Хуллас, ролик Россия телеканаллари эфиридан олинди. Ушбу реклама ролигини тайёрлаш учун 20 минг АҚШ доллари сарфланган экан...

МАДҲИЯ РЕКЛАМАБОП МУСИҚАМИ?

Бутун дунёга машҳур "Орбит" сақичи рекламаси билан боғлиқ халқаро ғавғо тафсилотлари ҳали бери жамоатчиликнинг эсидан чиқмаса керак. Бу сафар реклама ролигини тайёрлаган BBDO компанияси овоз режиссёрининг айби билан роликда биртекис оппоқ тишларини намойиш қилганча сақич чайнаётган малласоч гўзал қизлар ...Хитой давлат мадҳияси садолари остида рақсга тушибди экан! Хитойнинг Россиядаги элчихонаси аралашуви билан бу ролик ҳам эфирдан "четлаштирилди"...

"ШЕВРОЛЕ"нинг МАШИНАСИ ЗЎР! ЛЕКИН ҲАЙДАБ БЎЛМАЙДИ?..

Дунёга машҳур автомобил ишлаб чиқарувчи гигант компаниялардан бири саналган "Шевроле"нинг Мексикада савдо-сотиқ ишлари сира юришмагани сабаби ҳам ўзига хос. Гап шундаки, компанияда янги ишлаб чиқарилган автомобиль Chevy Nova дея номланган. Янги русумдаги авто худди шу ном билан мексикаликларга таклиф этилади. Лекин сифати аъло даражадаги бу автоларни харид қилишга мексикаликлар асло шошилмайдилар. Маълум бўлишича, испан тилида "no-va" сўзлари "Ҳайдаш мумкин эмас!" деган маънони англатар экан...

ҚУТИДАГИ БОЛАЛАР БЎТҚАСИ ЭДИ, ХОЛОС!

Эмизикли ёшдаги болалар учун махсус бўтқа кукунларини ишлаб чиқарувчи "Гербер" компанияси бошқарув кенгаши Африка қитъасидаги бозорларга кириб боришга қарор қилади ва компания маҳсулотлари қитъа дўконларига етказилади.

Нима учундир африкалик аёллар ширинтойгина болакай акси туширилган қутилардаги янги маҳсулотни "совуқ" қарши олишади. Кейинроқ, яъни тижорат ишларини йўлга қўйиш учун қитъада бироз вақт истиқомат қилган компания мутахассислари шуни аниқлайдилар: қитъа аҳолисининг аксарият қисми умуман саводсиз бўлгани боис, бу мамлакатга экспорт қилинадиган маҳсулотлар қутисида маҳсулот ишлатилиши мўлжалланган объект эмас, айнан маҳсулотнинг ўзи акс эттирилиши лозим экан. Аҳоли сонининг бетартиб тарзда йилдан-йилга кўпайиб боришидан азият чекаётган мамлакатда яшаётган африкалик аёллар ширинтой болакай расми бор қутичадаги маҳсулот нима эканини ўзларича тушунганлари аниқ...

Мавлуда ҚОСИМОВА тайёрлади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 5 сентябрь
36 (586)

11168 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 Топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6